ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

# ШАҲАР ЙЎЛОВЧИЛАР ТРАНСПОРТИДА ОЧИҚ ТЕНДЕРЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини яхшилаш, йўловчилар транспортида бозор муносабати муҳитини яратиш, умумий фойдаланишдаги автотранспорт, ривожланаётган хусусий сектор ҳамда мулкчилик шакллари ва қарашлилигидан қатъи назар, бошқа ташувчиларнинг ўзаро ҳаракатини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вилоят ҳокимликлари ва «Ўзавтотранс» давлат корпорациясининг республика шаҳарларида 1-иловага мувофиқ шаҳар йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси тўғрисидаги Намунавий низом 2-иловага мувофиқ;

Шаҳарларда йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этиш ва уларни ўтказишга оид чора-тадбирлар дастури 3-иловага* мувофиқ;

* 3-илова берилмайди.

Шаҳарларда йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этиш ва уларни ўтказиш тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар (шаҳарлар) ҳокимликлари «Ўзавтотранс» давлат корпорацияси билан биргаликда:

Шаҳарларда йўловчиларни ташишни ташкил этиш комиссияларини 1-иловага мувофиқ тузсинлар ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқласинлар; ҳар чоракда шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссиялари раҳбарлари ҳисоботларини эшитсинлар ва уларга ҳар томонлама кўмаклашсинлар;

ҳар чоракда шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссиялари раҳбарлари ҳисоботларини эшитсинлар ва уларга ҳар томонлама кўмаклашсинлар;

шаҳарда йўловчилар ташиш тарифларининг чекланган даражаси ва ўз вақтида қайта кўриб чиқилишини таъминласинлар;

4. «Ўзавтотранс» давлат корпорацияси «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда республика шаҳарларида йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун тендерлар ўтказилишини таҳлил қилиш асосида Тошкент шаҳрида, шаҳар атрофида қатновчи ва йўловчилар ташиш йўналишларининг бошқа турларида шунга ўхшаш тендерлар ўтказиш тўғрисида 1999 йил 20 январгача Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. Оммавий ахборот воситалари шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун ўтказилаётган тендерларни мунтазам ёритиб борсинлар.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Л. А. Ахметов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
1998 йил 17 август,
350-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
1998 йил 17 августдаги 350-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказиш мўлжалланаётган республика шаҳарлари

| | |
|---|---|
| 1. Андижон вилояти | — Андижон шаҳри |
| 2. Жиззах вилояти | — Жиззах шаҳри |
| 3. Қашқадарё вилояти | — Қарши шаҳри |
| 4. Навоий вилояти | — Навоий шаҳри |
| 5. Сурхондарё вилояти | — Термиз шаҳри |
| 6. Сирдарё вилояти | — Гулистон шаҳри |
| 7. Тошкент вилояти | — Чирчиқ ва Ангрен шаҳарлари |
| 8. Фарғона вилояти | — Фарғона ва Қўқон шаҳарлари |
| 9. Хоразм вилояти | — Урганч шаҳри |

Вазирлар Маҳкамасининг
1998 йил 17 августдаги 350-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси тўғрисида намунавий

НИЗОМ

1. Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси (кейинги ўринларда матнда «комиссия» деб аталади) шаҳарда йўловчилар ташиш ишларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, транспорт хизматлари кўрсатиш бозорида рақобат муҳитини яратишга оид комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, ушбу чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилишни таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

2. Комиссия ўз фаолиятида «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига ва мазкур Низомга амал қилади.

3. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифаларидир:

шаҳар йўловчилар транспортининг бир маромда ишлашини таъминлашга оид ишларни мувофиқлаштириш;

шаҳар транспорт хизматлари кўрсатиш бозорида мулкчиликнинг турли шаклларидаги ташувчилар учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва рақобатни ривожлантириш;

шаҳар йўналишларини жойлаштириш учун тендерлар ташкил этиш;

шаҳар йўловчилар транспортини ривожлантиришга, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳажмлари ва турларини кенгайтиришга оид комплекс чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;

йўловчилар ҳуқуқлари таъминланишини ташкил этиш.

4. Қўйилган вазифаларни бажариш учун Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

Давлат бошқаруви органларидан ва хўжалик юритувчи субъектларидан Комиссияга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборотни олиш;

шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун тендерлар ташкил этиш;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг ахборот-маълумотлар банки маълумотларига кўра бир йил давомида йўналишга хизмат кўрсатишда мажбуриятларни бажариш борасида 5 ва ундан ортиқ бартараф этилмаган ҳуқуқбузарликлар содир этган талабгорнинг тендер таклифини рад этиш.

*(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарорига асосан тўртинчи хатбоши билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ваколатли органлар (ЙҲХДХ, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат рақобат қўмитаси ва бошқалар) билан йўл ҳаракати хавфсизлигини, ташувчилар томонидан белгиланган жадвалларга, ташиш тарифларига риоя қилинишини, текин ва имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган йўловчиларнинг текин ва имтиёзли юриши таъминланишини назорат қилишини амалга оширишга оид чора-тадбирларни уюштириш ва бошқалар;

*(4-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 августдаги 638-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2017 й., 33-сон, 863-модда)*

тендерда ютиб чиқилган йўналишларда қонунга зид равишда ишловчи ташувчилар аниқланганда солиқ органларга маъмурий жазо чоралари кўриш тўғрисида таклифлар киритиш;

шаҳар автобусларида йўловчилар ташишни амалдаги тарифларини ўзгартириш юзасидан ҳокимликларга таклифлар киритиш,

5. Комиссия:

Тендер бўйича жойлаштирилган йўналишлардаги иш натижаларини мунтазам равишда (бир ойда камида бир марта) якунлаб боришга;

Шаҳар йўловчилар транспорти иши устидан тушган шикоятларни ўз вақтида кўриб чиқиш ишларини ташкил этишга ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўришга;

Жадваллар ва йўналишлар бўйича хизмат кўрсатишнинг сифати, маданияти ва бир маромда бўлишининг у ёки бу масалалари бўйича шаҳарликларнинг жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил этишга;

аҳолини ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашини, вилоятлар (шаҳар) ҳокимликларини тендер бўйича шаҳар йўналиши ютиб чиққан йўловчи ташувчилар билан тузилган контрактлар бажарилиши тўғрисида ҳар ойда хабардор қилиб туришга мажбурдир.

6. Комиссия комиссия фаолиятига раҳбарлик қилувчи раис, унинг ўринбосарлари ва манфаатдор бошқарув органлари ҳамда жойлардаги хўжалик бирлашмалари, шунингдек жамоат ташкилотларининг вакилларидан иборат комиссиянинг бошқа аъзоларидан иборат таркибида тузилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги бошлиғининг ўринбосарларидан бири Комиссия раиси ҳисобланади.

*(6-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

Комиссия таркиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят (шаҳар) ҳокимлиги қарори билан тасдиқланади.

Комиссия ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

7. Комиссия мажлислари заруратга қараб, лекин бир чоракда камида бир марта ўтказилади. Комиссия мажлиси унда Комиссия аъзоларининг камида 75 фоизи қатнашганда қонуний ҳуқуққа эга бўлади.

Комиссия қарорлари кўпчилик овози билан қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади. Овозлар тенг бўлиб қолган ҳолларда комиссия раисининг (у бўлмаганда — раис ўринбосарининг) овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Шаҳар йўналишларини жойлаштириш учун тендерлар ўтказиш бўйича комиссия фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигига юкланади.

*(7-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

Вазирлар Маҳкамасининг
1998 йил 17 августдаги 350-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этишга оид**

НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Очиқ тендерларни ташкил этишдан мақсад шаҳарда йўловчилар ташиш транспорти томонидан хизмат кўрсатиш соҳасида соғлом рақобат муҳитини яратиш, йўловчиларни юқори сифатли ташиш ва хизмат кўрсатишнинг энг қулай шароитларини акс эттирувчи энг фойдали таклифларни аниқлаш, йўловчилар транспорти хизматлари бозорини тартибга солиш, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳисобланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2. Очиқ тендерда, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, шаҳарда йўловчилар ташишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)га эга бўлган ҳар қандай юридик шахс иштирок этиши мумкин.

Тендер қатнашчиси давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда туриши ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун тегишли лицензияга ва лицензия карточкаларига эга бўлиши шарт. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситаларини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

*(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

3. Тендерда алоҳида йўналишлар ҳам, йўналишлар пакетлари ҳам қўйилиши мумкин.

4. Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб аталади) очиқ тендерлар ташкилотчиси ҳисобланади. У очиқ тендерларни ўтказиш шартлари ва тартибини белгилайди.

5. Тендер жараёнини давом этиш муддати у эълон қилинган санадан бошлаб ғолиб(лар)ни ва у(лар) билан контрактни имзолаш муддатигача — кўпи билан 60 кундан иборат бўлиши тавсия этилади.

6. Шаҳар йўловчилар транспорти хизматларини кўрсатиш юзасидан очиқ тендерлар ғолиб(лар)и билан контракт комиссия қарори асосида шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи билан тузилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7. Тендер камида икки қатнашчи мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

Ташувчига тендер ўтказилмасдан йўналишда ишлаш ҳуқуқининг бириктилишига йўл қўйилмайди, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

янги йўналиш очилгандан кейин уч-тўрт ой мобайнида янги йўналишда автотранспорт воситаларининг мунтазам синов ишлари бажарилиши;

кўча-йўл тармоғида олдиндан кутилмаган вазиятларда, айрим участкалар, транспорт узеллари ва майдонлари ёпилганда вақтинчалик йўналишлар жорий этилиши;

йўналишларнинг ташкилотлар буюртмалари бўйича соатбай ҳақ тўлаш асосида бажарилиши;

дам олиш зоналари, спорт-соғломлаштириш комплекслари, ярмаркаларнинг фаолият кўрсатиш даврида мавсумий йўналишларнинг ташкил этилиши;

махсус йўналишлар (ташкилотлар ходимларини ишга олиб бориш ва ишдан олиб кетиш кабилар учун) ташкил этиш.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

бўлиб ўтмаган тендер муносабати билан йўналиш ташувчининг хизматисиз қолади. Комиссия йўналишга (йўналишлар пакетига ёки жадвалига) такрорий тендер натижаларигача бўлган даврга контрактнинг амалда бўлишини узайтиради ёхуд исталган ташувчига ушбу даврда мазкур йўналишга хизмат кўрсатишни юклайди.

*(7-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги 238-сонли қарорига асосан саккизинчи хатбошиси билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2017 й., 17-сон, 300-модда)*

Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар мавжуд бўлмаганда ёхуд унда атиги бир нафар ташувчи қатнашганда Комиссия ушбу Низомда назарда тутилган тартибда такрорий тендер ташкил этиши керак, бунда йўналишлар пакетига ёки йўналишга қўйиладиган талабларнинг қайта кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

Агар такрорий тендерни ўтказишда йўналишга (йўналишлар пакетига) яна атиги бир нафар ташувчи талабгор бўлса, Комиссия ушбу ташувчига йўналишда (йўналишлар пакетида) ишлаш ҳуқуқини мазкур ташувчининг тендер таклифлари қўйилаётган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда бириктириб қўйиш ҳуқуқига эгадир.

*(7-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

8. Зарурат бўлганда, тендерлар ўтказиш бўйича амалий тажриба тўпланишига қараб, Комиссия тендерларни ташкил этиш тартиботига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

## II. Тендер ўтказишнинг асосий принциплари ва вазифалари

9. Тендер ўтказишнинг асосий принциплари:

Йўналишларни мулкчиликнинг турли шаклларидаги ташувчилар ўртасида адолатли, холисона тақсимлаш;

ғолибни танлаш, ташувчини танлаш масалаларининг субъектив равишда ҳал қилинишига имкони борича йўл қўймаслик учун тендер қатнашчилар, матбуот ходимлари, кузатувчилар иштирокида ўтказилиши керак;

ташишнинг энг қулай шартларини таклиф этган ташувчи йўловчиларни ташиш ҳуқуқига эга бўлади;

ташувчилар тендер ҳужжатларида белгиланган ягона талаблар асосида рақобатлашишлари керак.

10. Тендернинг вазифалари:

йўловчилар транспорти билан хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш;

йўловчилар ташиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатишнинг энг қулаш шартларини акс эттирувчи энг фойдали таклифларни аниқлаш. Бу — қатновларнинг мунтазамлиги, қатновлар оралиғи белгилаб қўйилган ҳолдаги ташишлар тартиби, автобус ҳаракат қилаётган вақтда йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг қулайлиги, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятининг даражаси, автобусларнинг ҳолати, ташқи кўриниши ва жойлашуви, йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланишидир.

## III. Очиқ тендерларни ташкил этиш

11. Комиссия тендерга қўйиладиган йўналишлар рўйхати (йўналишлар пакети)ни тайёрлайди, тендер ҳужжатлари пакетини шакллантиради, тендер ўтказилишидан камида 30 кун олдин ўтказишнинг асосий шартлари, тартиби ва муддатини оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Намунавий эълон 1-иловада кўрсатилган.

12. Очиқ тендерда қатнашишни хоҳловчилар тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Комиссияга ёзма буюртманома беришлари керак.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Буюртманомалар бериш ва тендер ҳужжатларини олиш учун белгиланган муддат тендер ўтказиладиган санадан 5 кун олдин тугайди. Барча буюртманомалар Комиссиянинг тартиб рақами қўйилган ва ип ўтказиб тикилган махсус дафтарида рўйхатдан ўтказилади.

*(12-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

13. Комиссия шаҳарда йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган қатнашчилардан тушган барча буюртномаларни истисносиз қабул қилишга мажбурдир.

Белгиланган муддатдан кейин тушган очиқ тендерда иштирок этиш тўғрисидаги буюртманомалар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

14. Қатнашчи тендер ҳужжатлари пакети қийматини эълонлар чоп этиш харажатларини ҳисобга олган ҳолда уларни тайёрлашнинг ҳақиқий таннархи бўйича тўланиши керак. Тушган маблағлар Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади ва улардан тендерларни ўтказишни ташкил этиш учун фойдаланилади. Ушбу маблағларни фақат Комиссия раиси, Комиссия аъзолари билан келишилган ҳолда, тасарруф этиш ҳуқуқига эгадир.

*(14-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

15. Тендер ҳужжатлари пакети қуйидагилардан иборат бўлади:

йўловчилар транспортида хизмат кўрсатиш учун очиқ тендерлар ташкил этишга оид Низом;

қатнашчи тўғрисидаги маълумотлар шакли (2-илова);

тендер қатнашчилари учун (3-илова);

тендерга қўйилган йўналишда йўловчилар ташишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар (4-илова).

қатнашчининг тендер таклифлари шакли (5-илова);

йўналишда (йўналишлар пакетида) йўловчилар ташиш транспортида хизмат кўрсатиш учун намунавий контракт (6-илова);

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Комиссияга тендер таклифларини ва қатнашчи тўғрисидаги маълумотларни бериш учун конверт.

*(15-банднинг саккизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(15-банднинг тўққизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарорига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

конвертга тендерда қўйилаётган йўналиш (ёки йўналишлар пакети) номи ёзилади.

*(15-банднинг тўққизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

Қатнашчи учун тайёрланган тендер ҳужжатлари Комиссия раиси томонидан имзоланган бўлиши керак, уларни тендер қатнашчисига бериш эса махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

16. Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

*(16-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

Тендер таклифларини қабул қилишнинг тамом бўлиш санаси ўтказиладиган тендер тўғрисидаги эълонда Комиссия томонидан кўрсатилиши керак.

17. Тендер таклифлари топширилгандан кейин қатнашчилар уларга бирон-бир тузатиш киритиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

18. Тендер таклифлари улар тақдим этилган санадан кейин 60 кун мобайнида юридик кучга эга бўлади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

19. Қатнашчининг имзоси ва муҳри қўйилган тендер таклифлари Комиссияга конвертда тақдим этилади.

*(19-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Агар тендерга йўналишларнинг биттадан кўп пакети қўйилган бўлса, у ҳолда ҳар бир пакет учун алоҳида конверт бўлиши керак.

*(19-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

Конвертларда ҳеч қандай белгилар ёки фарқловчи белгилар бўлмаслиги, яъни тендер иштирокчисининг бирортасини ажратиш мумкин бўлмаслиги керак. Барча конвертлар пухта беркитилган ҳолда тақдим этилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

20. Қатнашчилардан тушган тендер таклифлари махсус тузилган тендер комиссияси ёки у сайлаган ҳисоблаш гуруҳи томонидан баҳоланади.

*(20-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

21. Йўналишлар пакетини шакллантиришда йўналишларнинг аҳамияти ва уларнинг рентабеллиги ҳисобга олиниши зарур. Рентабелли йўналишлар билан бирга пакетга рентабелсиз, лекин аҳолига хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган йўналишларни ҳам киритиш мумкин.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(22-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

## IV. Тендер таклифларининг мазмуни

23. Тендер таклифлари Комиссия томонидан баҳоланадиган қуйидаги кўрсаткичлар ва ахборотларни ўз ичига олиши керак:

тендерга қўйилган йўналишларда, харажатларни тўлиқ қоплашни ҳисобга олган ҳолда, йўлкира учун қатнашчи томонидан таклиф этилаётган тарифлар даражаси;

транспорт воситасининг русуми (класси), ишлаб чиқарилган йили;

ташишлар учун таклиф этилаётган автотранспорт воситаларидаги умумий сиғим;

тиғиз пайтлар ўртасидаги вақтда йўналишдаги транспорт ҳаракати оралиғидаги таклиф этилаётган вақт.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

автотранспорт воситаларининг ишлаш тартиби;

йўналишларда қатновлар сони;

йўналишларда ишлаганда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари режаси.

*(23-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарорига асосан олтинчи — саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

Қатнашчи тендер таклифларининг барча бандлари бўйича тўлиқ ва муфассал ахборот тақдим этишга мажбурдир.

## V. Тендер таклифларини баҳолаш ва ғолибни аниқлаш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(24-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚХТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

25. Тендер таклифлари қуйидаги кўрсаткичлар бўйича кўриб чиқилади ва баҳоланади:

тендерга қўйилган йўналишларда иштирокчи томонидан таклиф этилаётган йўлкира учун тарифлар даражаси — беш балли тизим бўйича;

транспорт воситасининг русуми (класси), ишлаб чиқарилган йили — 5а-иловага мувофиқ табақалаштирилган баллар бўйича. Бунда агар транспорт воситаси тендер қатнашчисининг мулки бўлса транспорт воситаси русуми учун олинган балларга 1,15 миқдорда оширувчи коэффициент қўлланилади;

ташиш учун таклиф этилаётган автотранспорт воситаларининг умумий сиғими — 5б-иловага мувофиқ табақалаштирилган баллар бўйича;

тиғиз пайтлар орасидаги вақтда йўналишдаги ҳаракат оралиғининг таклиф этилаётган даражаси — беш балли тизим бўйича;

автотранспорт воситалари ишлаш тартибининг таклиф этилаётган варианти — беш балли тизим бўйича;

йўналишда таклиф этилаётган қатновлар сони — беш балли тизим бўйича;

йўналишларда ишлаётган вақтда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар режаси — беш балли тизим бўйича. Бунда ташувчи транспорт воситалари кундалик қатноволди техник назоратидан ва ҳайдовчилар тиббий кўрикдан ўтказилганлиги, ҳайдовчилар Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларининг 30 соатлик дастури бўйича ўқитилганлиги таъминланганда беш балл олади.

Йўналишда ишлаш учун талаб этиладиган автомобиллар русуми ва улар бўйича табақалаштирилган баллар Комиссия томонидан мустақил белгиланади.

*(25-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

26. Комиссия ҳар қайси аъзо томонидан тасдиқланган шакллар (7-илова) асосда натижаларни умумлаштиради ва ҳар қайси қатнашчи бўйича тендер таклифларини баҳолашнинг якуний балларини аниқлайди. Натижалар 8-иловада кўрсатилган шаклда ёзилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(27-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарорига асосан чиқарилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

Даъвогар томонидан таклиф этилаётган ташишлар тарифи даражасининг ҳар бир пасайиш кўрсаткичи учун Комиссиянинг дастлабки йиғилишида аниқланадиган ортиб борувчи коэффициентлар татбиқ этилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Атайлаб паст тариф билан тендер таклифлари тақдим этилишига йўл қўймаслик мақсадида Комиссия тендер талабларида рентабелликни ҳисобга олган ҳолда тарифнинг йўл қўйиладиган энг кам чегарасини белгилашга ҳақлидир;

*(27-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарорига асосан учинчи хатбоши билан тўлдирилган — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

Даъвогар Комиссия томонидан назарда тутилганидан қимматроқ тарифни таклиф этган ҳолларда, Комиссия ушбу қатнашчининг тендер таклифини тўғридан-тўғри рад этади. Агар даъвогар томонидан тиғиз пайтлар ўртасидаги вақтга энг юқори оралиқ вақт таклиф этилганда ҳам худди шундай қарор қабул қилинади.

28. Танлов натижалари бўйича барча даъвогарлар томонидан тенг баллар тўплаган ҳолларда ғолиб тендер комиссияси аъзоларининг яширин овоз бериши йўли билан аниқланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

29. Энг кўп миқдорда балл олган ташувчи аниқлангандан кейин Комиссия раиси ушбу қатнашчи тўғрисидаги маълумотларни ўқиб эшиттиради.

*(29-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

30. Тендер ўтказишдаги тартибот изчиллиги қуйидагича бўлади:

а) Комиссиянинг барча аъзоларига тендер таклифларини баҳолаш шакллари тарқатилади, улар тендер таклифларини баҳолаш шаклларига пакет рақамини, қатнашчи рақамини қўйиши ва ўз фамилиясини (7-илова) ёзишлари керак.

Комиссия раиси якуний баҳолар қўйиладиган шаклни ўзида қолдиради (8-илова);

б) Комиссия раиси катта конвертнинг ўнг томонидаги юқори бурчагига йирик рақамлар билан биринчи тартиб рақамини қўяди;

в) сўнгра раис тендер таклифлари жойланган конвертни очади, таклифларнинг ҳар қайси нусхасига биринчи тартиб рақамини қўйиб чиқади ва уларни Комиссия аъзоларига тарқатади;

г) Комиссия аъзолари ушбу таклифларни кўриб чиқадилар ва тендер таклифларининг ҳар қайси банди бўйича баҳо қўядилар. Комиссия аъзоларининг баҳолари конвертга биринчи тартиб рақами билан жойлаштирилади.

Худди шундай тартибот мазкур йўналишларнинг қолган барча конвертлари бўйича амалга оширилади;

д) Комиссия раиси олинган баллар асосида ушбу йўналишлар пакетига ______рақамли қатнашчи тендер ғолиби бўлганлигини эълон қилади;

е) тендер ғолибининг тартиб рақами ёзилган катта конвертдан Комиссия раиси қатнашчи тўғрисидаги маълумотларни олади ва очиқ тендерда ютиб чиққан ҳамда контракт тузиш ҳуқуқини олган ғолибнинг маълумотларини Комиссия аъзоларига ўқиб беради.

*(30-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

31. Комиссиянинг тендер ғолибини аниқлаш бўйича мажлиси натижалари баённома тарзида расмийлаштирилади, уни Комиссия аъзолари ва унинг раиси имзолайдилар.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тендер ғолибига тендер бўйича ютилган ушбу йўналишда ишлаш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома берилади. Гувоҳнома Шаҳар йўловчилар ташиш транспортини бошқариш органи раҳбари томонидан имзоланади ва ушбу органнинг муҳри билан тасдиқланади.

*(31-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

32. Баённома асосида Комиссия тендерга қўйилган йўналишга ёки йўналишлар пакетига хизмат кўрсатиш бўйича тендер ғолиби билан контрактни имзолаш учун уни шаҳар йўловчилари транспортини бошқариш органига тақдим этади.

Контрактни имзолаш муддати қатнашчи тендер ғолиби деб эълон қилингандан кейин 30 кундан ошмаслиги керак. Контрактни имзолашдан олдин (тендер ўтказилгандан кейин 15 кун мобайнида) комиссия ғолибнинг тендер таклифлари ҳақиқийлигини текширишга ҳақлидир.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Тендер ғолибининг тендер таклифлари ҳақиқий эмаслиги аниқланган ҳолларда энг кўп баллар сони бўйича унинг тендер таклифларининг ҳақиқийлиги Комиссия томонидан аниқланиши керак бўлган навбатдаги давогар ғолиб деб эътироф этилади.

*(32-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2011 й., 7-8-сон, 58-модда)*

Йўналишларда йўловчилар транспорти хизмати кўрсатиш юзасидан тендер ғолиби билан контракт камида 6 ойга тузилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ташувчи томонидан контракт бўйича барча шартларга риоя этилган тақдирда, у тендер ўтказилмаган ҳолда яна бир йил муддатга узайтирилиши мумкин. Контрактни қайта узайтиришга йўл қўйилмайди.

*(32-банднинг бешинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

33. Тендернинг исталган қатнашчиси ҳам ўзининг, ҳам тендер бошқа қатнашчиларининг тақдим этилган тендер таклифларини баҳолаш натижаларини Комиссиядан ёзма шаклда олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини
жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этишга оид
Низомга
1-ИЛОВА

## Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказилиши тўғрисида

## ЭЪЛОН

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Йўловчилар ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи барча давлат хусусий, ижара ва ширкат ташкилотларига:

*(хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2006 й., 22-сон, 194-модда)*

1. ________________шаҳар Шаҳарда йўловчилар ташишнинг ташкил этиш комиссияси 199 йил « » да________________шаҳрида йўловчилар ташиш транспортида хизмат кўрсатиш учун контракт(лар) тузиш ҳуқуқи учун________________манзилда очиқ тендер ўтказади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2. Очиқ тендерда мулкчилик шаклларидан қатъи назар_________вилояти_________шаҳри ҳудудида рўйхатдан ўтказилган, шаҳарда йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)га эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин.

*(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2006 й., 22-сон, 194-модда)*

3. Очиқ тендерга йўналишларнинг қуйидаги пакети қўйилади:

йўналишларнинг биринчи пакети — ___________ , ___________рақамли йўналишлар...

йўналишларнинг иккинчи пакети — ___________ , ___________рақамли йўналишлар... ва ҳоказо.

4. Очиқ тендерда қатнашишни хоҳловчилар Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун қуйидаги манзил бўйича_________________199 « »___________соат____________дан кечикмасдан буюртманома берилиши керак.

Буюртманомада йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия) мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур.

5. Ҳужжатларнинг битта пакети битта йўналишга ёки йўналишлар пакетига берилади. Битта тендер ҳужжатлари пакетининг нархи___________сўмни ташкил этади. Тендер ҳужжатлари пакети учун ҳақ__________ҳисоб рақамига ҳар қандай шаклда олдиндан (ёки келишув бўйича) тўланади.

Қатнашчи томонидан олинган тендер ҳужжатлари пакети учун тўлаган ҳақ қайтариб берилмайди.

6. Тендер таклифларини топшириш муддати 199 йил « »__________дан « »_____________гача.

Тендер таклифлари топширилгандан сўнг қатнашчилар уларга бирон-бир тузатиш киритиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

7. Йўналишларда йўловчилар транспорти хизмати кўрсатиш юзасидан тендер ғолиби билан контракт камида 6 ойга тузилади.

Контракт бўйича ишларнинг барча шартларига ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда контрактнинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат этилсин:

Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини
жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этишга оид
Низомга
2-ИЛОВА

## Қатнашчи тўғрисида маълумотлар

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1. Юридик шахснинг номи
_______________________________________________________________________

2. Почта манзили_______________________________________________________
Телефон _______________________________________
Факс _______________________________________

3. Банкдаги ҳисоб рақами _____________________________________________

4. Юридик ташкилот номидан вакиллик қилувчи ваколатли шахс _______________
_______________________________________________________________________

(фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, манзили)

Юридик шахснинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси илова қилиниши зарур.

*(2-илованинг 1-банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2006 й., 22-сон, 194-модда)*

Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини
жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этишга оид
Низомга
3-ИЛОВА

## Тендер қатнашчиси учун

## ЙЎРИҚНОМА

1. Очиқ тендерни ташкил этишдан мақсад йўловчиларга жамоат транспорти билан сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш, __________ шаҳрида адолатли рақобат шароитларини яратиш ва транспорт хизматлари кўрсатиш бозорини тартибга солиш ҳисобланади.

2. Тендер жараёнини у эълон қилингандан бошлаб ғолибни танлаш тугагунга қадар давом этади ва кўпи билан 60 кунни ташкил этади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3. Очиқ тендерда, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, ____________ вилояти, шаҳри ҳудудида рўйхатдан ўтган, шаҳарда йўловчилар ташишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳар қандай юридик шахс иштирок этиши мумкин.

*(3-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2006 й., 22-сон, 194-модда)*

4. Тендер қатнашчилари ўз таклифларини Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссиясига 199 йил «____»_________дан кечикмасдан қуйидаги_____________________________________________________________________________ __________________________ манзилга тақдим этадилар.

Белгиланган муддатдан кейин қатнашчидан кейин тушган таклифлар тендерда қатнашишга қўйилмайди.

5. Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси иштирокчига унинг таклифлари олинганлиги тўғрисида Комиссия раиси имзолаган, қабул қилиб олинган санаси ва вақти кўрсатилган ёзма билдиришнома беради.

Тендер таклифини бериш қатнашчининг бўлғуси ишлар (хизматлар) хусусияти билан яхши танишганлигини ва унинг мавжуд шартларини қабул қилинганлигини билдиради.

6. Тендер қатнашчиси асосий эътиборни «Қатнашчининг тендер таклифлари» шаклида таклиф этилган масалаларга, ҳар қайси таклиф учун балларни ҳисоблаш тартибига, йўналишда йўловчилар транспорти билан хизмат кўрсатиш юзасидан тузиладиган контракт шаклига, тендер қўйилган йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этишга қўйиладиган талабларга, йўналишнинг техникавий-фойдаланиш тавсифномасига қаратиши керак.

7. Тендер таклифлари_________ нусхада (тендер комиссияси аъзолари сонига тенг миқдорда) тақдим этилади.

Агар тендерга йўналишларнинг биттадан кўп пакети қўйилган бўлса, у ҳолда ҳар бир пакетга йўналишлар пакети рақами тўғрисида қўшимча ахборотлар мавжуд бўлган алоҳида конвертлар бўлиши керак.

Пакетларда ҳеч қандай ўчириб ёзишлар бўлмаслиги, яъни биророта қатнашчини ажратиб олиш мумкин бўлмаслиги керак. Барча конвертлар пухта беркитилган бўлиши зарур.

8. Тендер таклифлари топширилгандан ва Шаҳарда йўловчилар ташиш комиссияси томонидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин уларга қўшимчалар ва бирон-бир ўзгартиришлар киритиш тақиқланади.

9. Очиқ тендер ғолиби шаҳар йўловчилар транспортини бошқариш органи билан тендер бўйича ютилган йўналишларда йўловчилар транспорти билан хизмат кўрсатиш юзасидан контрактни имзолаш ҳуқуқига эга бўлади.

Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини
жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этишга оид
Низомга
4-ИЛОВА

**Тендерга қўйилган йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этишга қўйиладиган**

## ТАЛАБЛАР

1. Ташувчи жамоат транспортида йўловчиларни сифатли ташишни ва юксак маданиятли хизмат кўрсатишни таъминлаши керак.

2. Барча йўлкира тушумлари тўлиқ ташувчида қолади ва инкасация қилинади.

Ташувчи йўлкира тушумларини йиғишни, бир марта фойдаланиладиган чипталар сотишни таъминлайди.

3. Очиқ тендер қатнашчисига йўловчилар ташишни ташкил этиш учун қуйидаги йўналишлар таклиф этилади:

__________________________ — йўналиш_____________________________бекатидан
________________________________________________ бекатигача хизмат кўрсатади,
(охирги бекат кўрсатилсин)
_____________________________________________________ схема бўйича юради;
(асосий кўчалар кўрсатилсин)

хавфли участкалар кўрсатилган ҳолда йўналишлар схемаси илова қилинади;

ишнинг бошланиши_________ соатлар, дақиқалар кўрсатилсин;

ишнинг тамом бўлиши_________ соатлар, дақиқалар кўрсатилсин;

иш тартиби_____________ ҳафтадаги кунлар сони кўрсатилсин;

шанба ва дам олиш кунларида ҳаракатлар ўртасидаги оралиқ __________________ ;
(дақиқалар кўрсатилсин)

сиғими __________________ ўриндиқли жойлар, _____________________ тик туриб кетиладиган жойлар;

жадваллар сони: иш кунларида _______________; дам олиш кунларида __________;

йўлкира тарифи кўпи билан ____________ (энг юқори тариф миқдори кўрсатилсин);

охирги пунктлар оралиғидаги масофа ______________________ км;

________________________ — йўналиш ва бошқалар.

4. Тендерда ютиб чиққан қатнашчи:

— имтиёзларга эга бўлган ва транспортда юриш карточкаларидан фойдаланувчи йўловчиларнинг бепул ташишга;

— штамп-соатларни қўллаган ҳолда ёки йўл ҳужжатларига диспетчернинг белги қўйиши йўли билан қатновларни рўйхатдан ўтказишга;

— йўналишга хизмат кўрсатаётган қатнаётган транспорт бирлигидан келиб чиққан ҳолда диспетчер бошқаруви учун________ сўм миқдорида ҳақ тўлашга мажбурдир. Ажратмалар суммаси контракт имзолангандан сўнг кейинги ойнинг 15 кунигача олдиндан ўтказилиши керак;

— Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссиясига 1-шакл бўйича ҳисобот тарзида йўналишлардаги ишлар тўғрисида ахборот тақдим этишга мажбурдир.

5. Йўловчиларни ташиш учун ташувчи қатнаётган транспортнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади:

___________-йўналишда сиғими: ўриндиқлар бўйича___________ ва __________ тўлиқ бўлган автобуслар;

___________-йўналишда сиғими: ўриндиқлар бўйича___________ ва __________ тўлиқ бўлган автобуслар;

___________-йўналишда сиғими: ўриндиқлар бўйича___________ ва __________ тўлиқ бўлган автобуслар;

6. Ташувчининг қатнаётган транспортига қўйиладиган талаблар:

автобуслар:

— тиббий дори қутичаси, ўт ўчиргичлар ва авария ҳолатида тўхташ белгилари билан;

— автобус кўтарилиши ёки қия жойларда узоқ вақт туриб қолганда уни ўз-ўзидан юриб кетишидан сақлаб қолувчи восита (бошмоқ) билан;

— ойналарни уриб синдириш учун болғачалар тўплами билан ;

— йўл-транспорт ҳодисаси юз берган тақдирда люклар, ойналар, эшикларни тезда очиш, автобус салонидаги ойналарни олиб ташлаш усуллари тўғрисида йўловчилар учун кўргазмали ахборотлар билан таъминланган бўлиши керак;

— йўналишларда ҳайдовчиларнинг ишини назорат қилиш учун назорат қурилмаси — УПЕ билан жиҳозланган бўлиши мумкин;

— автобуснинг орқа эшиги ўнг томонидаги олд тарафида, шунингдек орқасида йўналишнинг рақами ва қисқача тавсифи кўрсатилган трафаретлар бўлиши керак.

— ташувчининг автобуси давлат стандартлари ва тайёрловчи заводнинг техник шартларига мувофиқ, шу жумладан тутқичлар, авария ҳолатида йўловчиларнинг салондан чиқиб кетишини таъминловчи воситалар, созланган ўриндиқлар билан жиҳозланган бўлиши керак;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

— автобус салонидаги кўринарли жойда Йўловчилар ташиш қоидалари, ДЙҲХХ, марказий диспетчерлик хизмати, ташувчининг телефонлари, шикоят ва таклифлар дафтари бўлиши керак;

*(6-банднинг ўнинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 321-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2018 г., № 09/18/321/1154)*

— ташувчининг автобуси тоза, эстетик кўринишга эга бўлиши керак;

— автобус салони эшиклари бемалол, ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз-ўзидан очилиши, ёхуд ҳайдовчининг ўтирган жойида қўлда (шаҳар ва шаҳар атрофига қатновчи автобуслар учун) олинадиган бўлиши керак.

7. Ташувчи:

— қатнаётган транспортга техник хизмат кўрсатилишини;

— автобусларнинг ташқарисида ва салонлари ичида тозалаш-ювиш ишларини;

— транспорт воситалари рейсига чиқиш олдидан техник назоратдан ва ҳайдовчилар тиббий кўрикдан ўтказилишини;

— ҳайдовчилар тиббий текширувидан ўтказилишини;

— йўлга тўлиқ жиҳозланган автобуслар чиқарилишини;

— барча қатнаётган транспортлар ўз вақтида амалдаги талабларга мувофиқ 1 ва 2-техник кўрикдан ўтказилишини таъминлаши керак.

8. Ҳайдовчилар:

— ҳар бир тўхтаб ўтиш жойи ва ундан кейин келувчи тўхтаб ўтиш жойи номини, бошқа йўналишларга ўтиш жойларини йўловчиларга тўғри ва аниқ эълон қилишга, йўналишлар ўзгарган тақдирда бу ҳақда ҳар бир бекатда эълон қилиб боришга, йўловчиларга автобус салонида ўзларини тутиш қоидаларига риоя қилиш зарурлигини, йўлкира ва юк ҳақини ўз вақтида тўлаш ҳақида эслатиб туришга;

— йўловчиларни фақат йўналишнинг тўхтаб ўтиш жойларида автобусга чиқаришга ва ундан туширишга;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

— йўловчиларга нисбатан эътиборли ва эҳтиёткор бўлишга мажбурдир. Автобус салонида йўловчилар ўртасида жанжал чиққан, безорилик ҳаракатлари ёки бошқа нохуш ҳодисалар (йўловчининг саломатлиги тўсатдан ёмонлашган) юз берган тақдирда, автобусни дарҳол тўхтатишга ва можарони бартараф этиш ёки ёрдам кўрсатиш юзасидан биргаликда чоралар кўришга, зарурат бўлганда ички ишлар органлари ёки тез тиббий ёрдамга хабар беришга;

*(8-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 321-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2018 г., № 09/18/321/1154)*

— салонда спиртли ичимликлар ичилишига, чекишга ва автобус юриб кетаётганда пайдо бўладиган бошқа ёқимсиз ҳидлар мавжуд бўлишига йўл қўймасликка;

— транспорт воситасининг тизимларида ва механизмларида автобусларда бундан кейин фойдаланганда ҳаракат хавфсизлигига хавф солувчи очиқ-ойдин техник носозликлар пайдо бўлган ҳолларда автобусни тўхтатишга, барча эшикларни, зарур бўлганда эса авария люкларини очишга, йўловчиларни салондан ташқарига чиқаришга, уларни шу чипталар билан ушбу йўналишда келаётган бошқа автобусга чиқаришга;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

— назорат органлари (ДЙҲХХ, солиқ инспекцияси, Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси вакиллари)нинг биринчи талабига кўра барча зарур ахборотни тақдим этишга ва транспорт воситасини кўздан кечиришга рухсатномаси бўлган шахсга ёрдам кўрсатишга;

*(8-банднинг еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 321-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2018 г., № 09/18/321/1154)*

— йўловчилар учун ҳеч қандай ноқулайликлар туғдирмасдан уларга чипталар сотишга мажбурдир.

Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини
жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этишга оид
Низомга
5-ИЛОВА

## Тендер бўйича таклифларнинг намунавий шакли

1. Тендерга қўйилган йўналишларда қатнашчи томонидан таклиф қилинаётган йўлкира тарифи даражаси_______ сўм.

2. Қатнаётган транспортнинг русуми (класси), ишлаб чиқарилган йили, паспорт маълумотлари бўйича умумий сиғими:

| Т/р | Қатнаётган транспортнинг русуми (класси) | Сони | Ишлаб чиқарилган йили | Умумий сиғими |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |
| ... | | | | |
| | | | | |

3. Тиғиз вақт оралиғида йўналишда қатновлар ўртасидаги таклиф қилинаётган вақт (дақиқа).

Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини
жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этишга оид
Низомга
5а-ИЛОВА

## Қатнаётган транспортнинг русуми (тури) учун балларнинг табақалаштирилган шкаласи ва транспортнинг ишлатилиш йиллари

1. Автобус русуми (тури) учун:

| Русуми (тури) | Қатнаётган битта транспорт учун баллар сони |
|---|---|
| «Мерседес-бенц» (модификациялари) | 10,0 |
| «Икарус» (модификациялари) | 8,0 |
| ЛАЗ, ЛИАЗ, ДЭУ (модификациялари) | 6,0 |
| ПАЗ (модификациялари) | 4,0 |

| | |
|---|---|
| КАВЗ | 2,0 |

**Тушунтириш:** ташувчи томонидан таклиф қилинаётган автобуслар русумлари бўйича аниқланган баллар жамланади ва йўналишнинг техникавий-фойдаланиш тавсифномасига биноан талаб қилинаётган автобусларнинг режали сонига бўлади.

Масалан: йўналишда 6 та жадвал (ёки 6 та «ЛАЗ» русумли автобуслар) мўлжалланмоқда. Ташувчи томонидан 8 та «ПАЗ» автобуслари таклиф этилади.

Баллар сони = 8та автобус х 4,0 балл: 6та жадвал = 5,33.

2. Қатнаётган транспортнинг ишлатилиш йиллари:

| Ишлатилиш йиллари | Қатнаётган битта транспорт учун баллар сони |
|---|---|
| 1 йилдан 3 йилгача | 5,0 |
| 3 йилдан 5 йилгача | 4,5 |
| 5 йилдан 8 йилгача | 4,0 |
| 8 йилдан 10 йилгача | 3,0 |
| 10 йилдан кўп | 2,0 |

**Тушунтириш:** ҳар бир транспорт воситаси бўйича аниқланган баллар, унинг ишлатилиш йилларига кўра жамланади, сўнгра ташувчи томонидан таклиф қилинаётган автобуслар сонига бўлинади.

Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини
жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этишга оид
Низомга
5б-ИЛОВА

## Қатнаётган транспортнинг умумий сиғими учун балларнинг табақалаштирилган шкаласи (беш балли тизим)

| Қатнаётган транспорт русуми | Паспорт бўйича умумий сиғими | Тўғриловчи коэффициент | Қатнаётган битта транспорт учун баллар сони |
|---|---|---|---|
| **Ҳисоб-китоб намунаси** | | | |
| 1. Техник-фойдаланиш параметрлари бўйича базавий (талаб қилинаётган) даража сифатида «ЛАЗ — 695» автобуси тавсия этилади | 62 | 1,0* | 5,0 |
| 2. Ташувчи томонидан таклиф қилинаётган сиғим: | | | |
| 1-вариант: | 110 | 1,77* | 8,85 |
| 2-вариант: | 37 | 0,6 | 3,0 |

*Тўғриловчи коэффициент (Ушбу намунада — «ЛАЗ — 695» автобуси сиғимига) таклиф этилаётган сиғимни техник-фойдаланиш параметрлари бўйича базавий (талаб қилинаётган) даражага бўлиш йўли билан аниқланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(5в-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини
жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этишга оид
Низомга
6-ИЛОВА

____________________________________________

**йўналишларида шаҳар йўловчилар ташиш транспортида хизмат кўрсатиш юзасидан**

НАМУНАВИЙ КОНТРАКТ

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Шаҳарда йўналишлар ташишни ташкил этиш комиссиясининг 20__ йил _______ даги _____-сон қарорига асосан___________ шаҳар йўловчилар ташиш транспортини бошқариш органи номидан иш кўрувчи_________ , бундан кейин «Буюртмачи» деб аталади, бир томон бўлиб ва __________________________________ ____________________ автоташувчи, бундан кейин «Ташувчи» деб аталади,

(номи)

иккинчи томон бўлиб қуйидагилар тўғрисида мазкур контрактни туздилар:

*(муқаддима Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## 1-модда. Контрактнинг мавзуси

1.1. Буюртмачи Ташувчига ушбу контрактда келишиб олинган шартларда йўловчиларни ташишни қуйидаги __________________________-сон йўналиш бўйича ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича мутлақ ҳуқуқни беради.

1.2. Ташувчи йўналишда йўловчиларни ташиш учун чап томондан бошқариладиган ва йўловчиларнинг қулай чиқиши ва тушишини таъминлайдиган, йўловчилар эшиги ўнг томонда жойлашган _____ та автобуслар/ микроавтобуслардан фойдаланади:

| Т/р | Автобус/ микроавтобус русуми | Давлат рақами | Ўриндиқлар бўйича сиғими | Умумий сиғими |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |
| ва ҳ.к. | | | | |

*(1-модда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

## 2-модда. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1. «Ташувчи»:

— мазкур тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага ва унга талонга, транспорт воситасига берилган рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига, транспорт воситасига берилган рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларига, йўл (йўналиш) ҳужжатларига ва шаҳарда йўловчилар ташиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия)га эга бўлиши;

— қабул қилинган шартларга мувофиқ транспорт хизмати кўрсатиш учун берилган йўналишларда мазкур контракт амалда бўлишининг бутун муддати давомида мунтазам равишда йўловчилар ташишни ташкил этиш ва бажаришга;

— йўловчиларни хавф-хатарсиз ташишни таъминлаган ҳолда белгиланган иш тартибига, қатнов жадвалига, қатноқ схемасига, уларда кўрсатиб ўтилган тўхташ жойларига (йўналишли таксилар бундан мустасно) риоя этишга;

— транспорт воситаларининг йўналишда мунтазам равишда қатновини таъминлаш учун транспорт воситалари йўналишдан чиқиб кетган вазиятларда автобусларни бир йўналишдан иккинчи йўналишга ўтказиш.Техник ёки бошқа сабабларга кўра йўналишдан

чиқиб кетган автобусларни тезкорлик билан алмаштириш учун ________________ та захира автобусга эга бўлишга;

— йўналишлардаги қатнов мунтазамлиги камида _______ % бўлинишини таъминлашга;

— йўналишлар схемасини, иш тартибини, қатнов жадвалини, йўналишларда ишлаш учун режалаштирилган қатнов транспортлари сонини ўзгартирилмасликка;

— тендерда белгиланган шартларга мувофиқ йўловчилар ташиш тарифига риоя қилишга мажбурдир. бунда «Ташувчи» белгиланган тарифни ўз хоҳишига кўра камайтириш ҳуқуқига эга бўлади;

— шаҳар транспортида юриш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар белгиланган йўловчиларни, шунингдек имтиёзли йўл карточкаларига эга бўлган йўловчиларни бепул ташишга;

— бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими маълумотлари асосида ёки йўл ҳужжатларига белги қўйилиши йўли билан қатновларнинг ҳисобини олишга;

— йўналишга хизмат кўрсатувчи қатнов транспорти бирлигидан келиб чиқиб диспетчерлик бошқаруви учун ____________ миқдорида ҳақ тўлашга мажбурдир. Ажратмалар суммаси контракт имзолангандан сўнг кейинги ойнинг 15-кунигача олдиндан тўланиши керак;

— ўзига бириктирилган йўналишларда йўналиш ва молиявий назоратни таъминлашга;

— йўналишларда «Ташувчи» ишини назорат қилишни ташкил этиш ва амалга ошириш вазифаси юкланган ваколатли давлат органлари талабларига бўйсунишга;

— бир марталик чипталар сотиш йўли билан йўлкира тушумлари йиғишни таъминлашга мажбурдир. Шуни назарда тутиш керакки, бир марталик йўл чиптаси қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлардир, унинг ҳисоб серияси бўлиши керак, чипта рақами босмахона усулида тайёрланади ва бевосита транспорт воситаси салонида «Ташувчи» томонидан сотилади;

— стандартлар талабларига мувофиқ техник хизмат кўрсатишни, салон ташқарисида ва ичкарисида тозалаш-ювиш ишларини, қатнов транспортини қатнов олдидан техник кўрикдан ва ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказишни таъминлашга мажбурдир. Ҳайдовчида қатнов транспортини қатнов олдидан техник кўрикдан ва ўзининг тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган махсус дафтарча бўлиши керак;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 191-сон қарори билан тасдиқланган Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида умумий техник регламентнинг белгиланган талабларига, давлат стандартлари, шунингдек, техник тартибга солиш соҳасида автомобилда ташишга тааллуқли бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ йўловчиларни ташиш учун воситалар, қурилмалар, схемалар, жадваллар ва йўналишлар кўрсаткичлари билан жиҳозланган ҳаракатдаги таркибдан фойдаланишга;

*(2.1-банднинг ўн олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

— ҳар бир транспорт салонининг кўринарли жойига йўловчилар ташиш қоидаси, ДЙҲХХ, МДХ (марказий диспетчерлик хизмати), ташувчининг телефон рақамларини, йўл-транспорт ҳодисаси юз берган ҳолларда люклар, деразалар, эшикларни тезлик билан очиш ва автобус салонидаги ойналарни олиб ташлаш усуллари тўғрисида кўргазмали маълумотларни жойлаштиришга;

*(2.1-банднинг ўн еттинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 321-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2018 г., № 09/18/321/1154)*

— қатнов транспортини ўз вақтида, амалдаги талабларга мувофиқ техник кўрикдан ўтказилишини таъминлашга;

— йўловчиларга юксак маданиятли хизмат кўрсатишни таъминлашга, уларга нисбатан қўпол муносабатда бўлишга йўл қўймасликка;

— йўналишли таксиларда йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя қилган ҳолда йўловчиларни уларнинг талабларига кўра чиқариш ва туширишга;

— шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссиясига белгиланган шакллар ва муддатларда ҳисобот тақдим этишга, амалдаги қонун ҳужжатларини талаблари ва молиявий фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларга мувофиқ бухгалтерия ҳисоботини юритишга мажбурдир.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

— «онлайн» (GPS) режимида масофадан кузатиш тизими ёки бошқа масофадан кузатиш инновацион воситаларни татбиқ этиш таъминлансин;

зарур ускуналар билан жиҳозланган йўналишларда накд пулсиз тўлов шартларига амал қилинсин;

контрактнинг тўлиқ амал қилиш даври мобайнида баҳоланиши лозим бўлган барча мезонлар бўйича тендер талабларига мос келадиган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш таъминлансин: а) автотранспорт воситасининг русуми (класси), ишлаб чиқарилган йили бўйича; б) йўловчиларнинг умумий сиғими бўйича; в) автотранспорт воситаларининг ишлаш тартиби бўйича (соат); г) йўналишда ҳаракатланиш оралиғидаги даража бўйича (дақиқа); д) йўналишдаги қатновлар сони бўйича Тендер контрактида назарда тутилган автотранспорт воситалари фақат ушбу даражадаги ёки бундан юқори даражадаги автотранспорт воситаларига алмаштирилиши мумкин;

ҳайдовчи билан тузилган меҳнат шартномаларида ҳайдовчига нисбатан тендер контрактининг шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликнинг ҳар бир муайян ҳолати учун ҳайдовчиларни эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган таъсир чоралари қўлланилиши назарда тутилиши лозим.

*(2.1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарорига асосан хатбошилар билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

2.2. «Буюртмачи»:

— ташишлар, қатновлар йўналишлари шартларининг ҳар қандай ўзгаришлари тўғрисида «Ташувчи»ни ўз вақтида хабардор қилиши;

— ташишларнинг самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан «Ташувчи»дан тушган таклифларни 10 кун муддатда кўриб чиқиши ва унга ёзма тарзда жавоб бериши;

— шаҳар йўловчилар ташиш транспорти иши устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиши ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўриши;

— маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда транспортда йўл карточкалари билан ва текин ҳамда имтиёзли юриш ҳуқуқидан фойдаланувчи йўловчиларни қоплаш масаласини ҳал қилиши шартдир.

## 3-модда.

## Томонларнинг ҳуқуқлари

3.1. «Ташувчи»:

— йўловчилар очиш, уларни ўзгартириш, тугатиш, транспорт воситалари, жадвалларнинг режадаги сонини, иш тартибини, ташишлар учун тарифларни қайта кўриб чиқиш юзасидан «Буюртмачи»га асосли таклифлар киритиш;

— қатнов хавфсизлиги ёки йўловчилар ташиш талаблар ва шартларига жавоб бермайдиган кўча-йўл тармоғида йўналишларда ёки йўналишлар участкаларида йўловчилар ташишни белгиланган тартибда рад этиш ёки тўхтатиш;

— белгиланган тартибга мувофиқ йўл карточкаларини сотишдан тушган даромадларнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эгадир.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

— Буюртмачи билан келишган ҳолда автотранспорт воситасини тендер таклифида эълон қилинган автотранспорт воситасига тенг ёки тегишли лицензияли карточка билан таъминланган ундан яхшироқ вариантга алмаштириш.

*(3.1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

3.2. «Буюртмачи»:

— «Ташувчи»нинг ишини назорат қилиш ва унинг натижаларига қараб жазо жарималари қўллаш;

— қўпол бузилишлар рўй берган ҳолларда мазкур контрактни бир томонлама тартибда бекор қилиш;

— «Ташувчи»дан контракт юзасидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботларнинг ўз вақтида тақдим этилишини талаб қилиш;

— «Ташувчи»нинг автокорхонаси тугатилган, шунингдек мазкур йўналишларда ишлаш ҳуқуқи «Ташувчи» томонидан Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси билан келишилмасдан учинчи томонга берилган ҳолларда «Ташувчи»га зарар ўрнини тўлдирмасдан мазкур контрактни белгиланган тартибда бекор қилиш;

— шаҳар автобусларида йўловчилар ташишни ташкил этиш масалалари бўйича «Ташувчи»га кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эгадир.

## 4-модда.

## Томонларнинг жавобгарлиги

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4.1. Мазкур контракт шартлари бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслигининг ҳар бир ҳолати (қатнов схемаларини, жадвалларини, иш тартибини, қатнов мунтазамлигини ўзгартириш, салонларнинг жиҳозлаш стандартларига номувофиқлиги, санитарияга хилоф ҳолати ва транспорт воситалари ташқи кўринишининг ифлослиги, ҳайдовчининг қўполлиги, имтиёзли юриш ҳуқуқига эга бўлган йўловчиларни ташишдан бош тортиш, тарифни ўзбошимчалик билан ўзгартириш, йўналиш ишига йўловчилардан асосли шикоятлар тушиши ва бошқалар) энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима солишга олиб келади.

*(4.1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2006 й., 22-сон, 194-модда)*

4.2. «Буюртмачи» кўча-йўл тармоқларининг аҳволи, «Ташувчи» билан олдиндан келишиб олмай кўчаларни ёпиб қўйиш туфайли йўналишларда ташишларни тўхтатиш ёки чеклаб қўйиш сабабларини бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилмаганлиги учун етказилган зарар миқдорида жавобгар бўлади.

## 5-модда.

## Бошқа шартлар

5.1. Контракт шартлари, агар фаолият ҳолати ва шартлари холисонилло ўзгармаса, томонлардан исталган бирининг таклифига кўра қайта кўриб чиқилиши мумкин. Таклиф этилаётган ўзгаришлар тўғрисидаги қарор томонларидан исталган бири томонидан ёзма ҳолда билдиришнома олинган вақтдан бошлаб 14 кун мобайнида қабул қилинади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5.2. «Ташувчи» контракт шартларига унинг бутун муддати давомида риоя қилган ҳолларда контракт тендер ўтказилмасдан яна бир йилга узайтирилиши мумкин. Контрактни такроран узайтиришга йўл қўйилмайди.

*(5.2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 июндаги 434-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.06.2018 й., 09/18/434/1339-сон)*

5.3. Контракт шартлари «Ташувчи» томонидан мунтазам равишда бузилган ҳолларда «Буюртмачи» уларни бартараф этиш муддатини белгилайди. Бузилишлар бартараф этилмаган тақдирда «Ташувчи» билан тузилган контракт бекор қилинади, йўналишлар эса янгидан тендерга қўйилади.

5.4. «Ташувчи» контрактни бекор қилиш тўғрисидаги қарор юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эътироз билдирилиши мумкин.

5.5. Томонлардан исталган бирига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра мазкур контракт мажбуриятлари уларнинг исталган бири томонидан тўла ёки қисман бажарилиши мумкин эмаслиги ҳолатлари пайдо бўлганда, мажбуриятларни бажариш муддати бундай ҳолатлар амалда бўлиши давомидаги вақтга тўғрилаб, лекин кўпи билан______кунга сурилади.

5.6. Томонларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлган ҳолатлар, агар улар контракт тузилгандан сўнг рўй берган бўлса, уни тўла ва қисман бажаришга тўсқинлик қилса, томонларни жавобгарлигидан озод қилади. Табиий офатлар ва ташувчиларга боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар ана шундай ҳолатлар ҳисобланади.

5.7. Агар бундай ҳолатлар_________кундан давом этса, у ҳолда томонлардан ҳар бири мазкур контракт бўйича мажбуриятларни бундан кейин бажаришни рад этишга ҳақлидир ва бундай ҳолларда кўрилиши мумкин бўлган зарарни бошқа томон ҳисобига қоплаш ҳуқуқига эга бўлмайди.

5.8. Контракт бўйича мажбуриятларни бажаришга имкон бермайдиган ҳолат пайдо бўлган томон бошқа томонни ушбу ҳолатлар пайдо бўлган кундан бошлаб 5 кундан кечикмай шу сабабга кўра ўз мажбуриятларини тўхтатиш тўғрисида хабардор қилиши керак.

## 6-модда.

## Контрактга илова қилинадиган ҳужжатлар

6.1. Контракга:

— Йўналишнинг техник-фойдаланиш тавсифи ва унга қўйиладиган талаблар (1-илова);

— йўналишлар бўйича қатновлар схемаси;

— транспорт воситаларининг йўналишлар бўйича қатнов жадвали;

— қатновдаги транспортга ва «Ташувчи»нинг ҳайдовчиларига қўйиладиган талаблар (2-илова).

— йўналишли такси сифатида ишловчи транспорт воситалари оладиган йўловчиларнинг чекланган миқдори (3-илова) илова қилинади.

Юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар контрактга илова қилинадиган ҳужжатлар мажмуини ташкил этади ва унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Контракт ________йил давомида амалда бўлади.

Бошланиши — 199____ йил ________________________________________

Тамом бўлиши— 199____ йил __________________________________________

## Томонларнинг юридик манзиллари

«Ташувчи» — ______________________________________________________

«Буюртмачи» — ____________________________________________________

Контрактга

1-ИЛОВА

**Йўналишнинг техник-фойдаланиш тавсифи ва унга қўйиладиган талаблар**

| Номи | Бирлик | Сони |
|---|---|---|
| 1. Йўналишнинг умумий масофаси | км | |
| бориш йўналишида___________________ | км | |
| қайтиш йўналишида__________________ | км | |
| 2. Бекатларнинг умумий сони | бекат | |
| бориш йўналишида___________________ | бекат | |
| қайтиш йўналишида | бекат | |
| 3. Бир марта бориб-қайтишга кетадиган вақт | дақиқа | |
| 4. Жадваллар сони: | | |
| иш кунларида | | |
| дам олиш кунларида | | |
| 5. Тиғиз соатларда қатнов оралиғи | дақиқа | |
| 6. Тиғиз пайтлар ўртасидаги ҳаракат оралиғи | кўпи билан ____дақиқа | |
| 7. Йўналишда ишнинг бошланиши | соат/дақиқа | |
| 8. Йўналишда ишнинг тугалланиши | соат/дақиқа | |
| 9. Йўналишдаги иш тартиби | ҳафтадан кунлар | |
| 10. Сиғими: | | |
| ўриндиқли жойлар | жой | |
| ўриндиқсиз жойлар | жой | |
| 11. Йўлкира тарифи | кўпи билан _____сўм | |

Контрактга
2-ИЛОВА

**Қатновдаги транспортга ва ташувчининг ҳайдовчи ходимига қўйиладиган**

ТАЛАБЛАРИ

1.1. йўловчиларни ташиш учун ташувчи транспортнинг қуйидаги турларидан:

___________________-йўналишда__________русумли, ўриндиқлари_______та ва умуман________нафар йўловчи сиғадиган автобуслардан;

___________________-йўналишда__________русумли, ўриндиқлари_______та ва умуман________нафар йўловчи сиғадиган автобуслардан фойдаланилади; ва ҳоказо.

1.2. Транспорт:

— Тиббий дори қутичалар, ўт ўчиргичлар ва авария ҳолатида тўхташ белгилари билан;

— Автобус кўтарилиши ёки қия жойларда узоқ вақт туриб қолганда уни ўз-ўзидан юриб кетишидан сақлаб қолувчи восита (бошмоқ) билан;

— Ойналарни уриб синдириш учун болғачалар тўплами билан жиҳозланган бўлиши керак;

— Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган тақдирда люклар, ойналар, эшикларни тезда очиш, автобус салонидаги ойналарни олиб ташлаш усуллари тўғрисида йўловчилар учун кўргазмали ахборотлар билан таъминланган бўлиши;

— Йўналишларда ҳайдовчиларнинг ишини назорат қилиш учун назорат қурилмаси — УПЕ билан жиҳозланган бўлиши мумкин;

— Автобуснинг орқа эшиги ўнг томонидаги олд тарафида, шунингдек орқасида йўналишнинг рақами ва қисқача тавсифи кўрсатилган бўлиши керак;

— Ташувчининг автобуси давлат стандартлари ва тайёрловчи заводнинг техник шартларига мувофиқ, шу жумладан тутқичлар, авария ҳолатида салондан йўловчиларнинг чиқиб кетишини таъминловчи воситалар, созланган ўриндиқлар билан жиҳозланган бўлиши керак;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

— Автобус салонидаги кўринарли жойда Йўловчилар ташиш қоидалари, ДЙҲХХ, марказий диспетчерлик хизмати, ташувчининг телефонлари, шикоят ва таклифлар дафтари бўлиши керак;

*(1.2-банднинг тўққизинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 321-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2018 г., № 09/18/321/1154)*

— Ташувчининг автобуси тоза, эстетик кўринишга эга бўлиши керак;

— Автобус салони эшиклари бемалол, ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз-ўзидан очилиши, ёхуд ҳайдовчининг ўтирган жойида қўлда (шаҳар ва шаҳар атрофига қатновчи автобуслар учун) олинадиган бўлиши керак.

1.3. Ташувчи:

— қатнаётган транспортга техник хизмат кўрсатилишини;

— автобусларнинг ташқарисида ва салонлари ичида тозалаш-ювиш ишларини;

— транспорт воситалари рейсига чиқиш олдидан техник назоратдан ва ҳайдовчилар тиббий кўрикдан ўтказилишини;

— ҳайдовчилар тиббий текширувидан ўтказилишини;

— йўлга тўлиқ жиҳозланган автобуслар чиқарилишини;

— барча қатнаётган транспортлар ўз вақтида амалдаги талабларга мувофиқ 1ва 2-техник кўрикдан ўтказилишини таъминлашга мажбурдир.

1.4. Ҳайдовчилар:

— ҳар бир тўхтаб ўтиш жойи ва ундан кейин келувчи тўхтаб ўтиш жойи номини, бошқа йўналишларга ўтиш жойларини йўловчиларга тўғри ва аниқ эълон қилишга, йўналишлар ўзгарган тақдирда бу ҳақда ҳар бир бекатда эълон қилиб боришга, йўловчиларга автобус салонида ўзларини тутиш қоидаларига риоя қилиш зарурлигини, йўлкира ва юк ҳақини ўз вақтида тўлаш ҳақида эслатиб туришга;

— йўловчиларни фақат йўналишнинг тўхтаб ўтиш жойларида автобусга чиқаришга ва ундан туширишга (йўналишли такси бундан мустасно);

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

— йўловчиларга нисбатан эътиборли ва эҳтиёткор бўлишга мажбурдир. Автобус салонида йўловчилар ўртасида жанжал чиққан, безорилик ҳаракатлари ёки бошқа нохуш ҳодисалар (йўловчининг саломатлиги тўсатдан ёмонлашган) юз берган тақдирда, автобусни дарҳол тўхтатишга ва можарони бартараф этиш ёки ёрдам кўрсатиш юзасидан биргаликда чоралар кўришга, зарурат бўлганда ички ишлар органлари ёки тез тиббий ёрдамга хабар беришга;

*(1.4-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 321-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2018 г., № 09/18/321/1154)*

— транспорт воситасининг тизимларида ва механизмларида автобусларда бундан кейин фойдаланганда ҳаракат хавфсизлигига хавф солувчи очиқ-ойдин техник носозликлар пайдо бўлган ҳолларда автобусни тўхтатишга, барча эшикларни, зарур бўлганда эса авария люкларини очишга, йўловчиларни салондан ташқарига чиқаришга, уларни шу чипталар билан ушбу йўналишда келаётган бошқа автобусга чиқаришга;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

— назорат органлари (ДЙҲХХ, солиқ инспекцияси, Шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси вакиллари)нинг биринчи талабига кўра барча зарур ахборотни тақдим этишга ва транспорт воситасини кўздан кечиришга рухсатномаси бўлган шахсга ёрдам кўрсатишга;

*(1.4-банднинг олтинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 321-сонли қарори таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.05.2018 г., № 09/18/321/1154)*

— йўловчилар учун ҳеч қандай ноқулайликлар туғдирмасдан уларга чипталар сотишга мажбурдир.

Контрактга
3-ИЛОВА

## Йўналишли таксилар сифатида ишловчи транспорт воситалари оладиган йўловчиларнинг чекланган миқдори

| Транспорт воситалари русуми | Ўриндиқли жойлар сони | Ўриндиқсиз жойларнинг чекланган сони |
|---|---|---|
| 1. | | |
| 2. | | |
| 3. | | |
| 4. | | |
| ва ҳоказо. | | |

Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини
жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этишга оид
Низомга
7-ИЛОВА

## Тендер бўйича таклифларни баҳолаш

| Қатнашчиларнинг тендер бўйича таклифлари ўринларини балларда баҳолаш | Қатнашчининг тартиб рақами | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | ва ҳоказо |
| 1. Йўловчиларни ташиш учун тарифлар даражаси | | | | |
| 2. Йўналишда фойдаланиш учун мўлжалланган қатнов транспорти — қуйидагилар учун ўртача баллар сони | | | | |
| а) русуми (класс)<br>б) ишлатилиш йиллари<br>в) умумий сиғими | | | | |
| 3. Тиғиз пайтда автобуслар қатнови оралиғидаги таклиф этилаётган вақт | | | | |
| Жами: | | | | |

Баҳолашга мувофиқ энг кўп ___________________________баллни ________________ рақамли иштирокчи тўплади.

Комиссия аъзоси ___________________ фамилияси, исми, отасининг исми.
(имзо)

Шаҳарда йўловчилар ташиш йўналишларини
жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этишга оид
Низомга
8-ИЛОВА

## Тендер бўйича таклифларни якуний баҳолаш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

| | Қатнашчиларнинг тартиб рақами |
|---|---|

| Комиссия аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми | 1 | 2 | 3 | ва ҳоказо |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

Жами:

Ушбу баҳолашга мувофиқ ______балл тўплаган______рақамли қатнашчи ____________________________________________________________________

(юридик шахснинг тўлиқ номи)

тендер ғолиби бўлди.

Комиссия аъзоларининг имзолари:

1.____________________________________

2.____________________________________

ва ҳоказо.

*(8-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2006 й., 22-сон, 194-модда)*